



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI  
OQDARYO TUMAN HOKIMINING  
QARORI**

141000, Loyish sh., Amir Temur shox ko‘chasi 39-uy.

20 21-yil 26 - fevral

68-Q -son

Loyish sh.

**Самарқанд вилояти Маъмурий  
судининг 27.11.2020 йилдаги Хал қилув  
қарори ижроси тўғрисида**

Оқдарё туман ҳокимининг 2017 йил 25 апрелдаги 733-Қ-сонли қарорига асосан фуқаро Мухаммадиев Исрофилга ғалла-сабзавотчилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этиш учун туманнинг М.Улуғбек массиви 150-151-152-контурларидан жами 13.3 гектар ер майдони ажратиб берилган.

Туман ҳокимининг 2019 йил 23 январдаги 815-Қ-сонли қарорига асосан М.Улуғбек массивидаги “Илёсхон хосили” фермер хўжалигининг ер майдонлари туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинган, мазкур қайтариб олинган ер майдони туман ҳокимининг 2019 йил 15 февралдаги 1254-Қ-сонли қарорига мувофиқ фуқаро Турдонов Хушвақтга пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этиш учун ажратиб берилган, туман ҳокимининг 2020 йил 04 июндаги 678-Қ-сонли қарори билан М.Улуғбек массиви 150-151-152-контурларидан жами 13.3 гектар ер майдони “Иброхимбек Фазлиддин хосили” фермер хўжалиги фойданувидан қайтариб олинган ҳолда туман ҳокимининг 2020 йил 05 июндаги 685-Қ-сонли қарорига асосан фуқаро Холиқов Отабекнинг пахта-ғалла йўналишидаги “Отабек замини” фермер хўжалигини ташкил этиш учун ажратиб берилган.

Самарқанд вилояти Маъмурий судининг 2020 йил 27 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, Пайариқ туман Маъмурий судининг 2020 йил 22 июндаги “Туман ҳокимининг 2019 йил 23 январдаги 815-Қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида”ги ҳал қилув қарори ўз кучида қолдириган.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 6, 17, 20, 23, 24, 46, 53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни 5-моддаси, Самарқанд вилояти Маъмурий судининг 2020 йил 27 ноябрдаги ҳал қилув қарорини инобатга олиб ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Самарқанд вилояти Маъмурий судининг 2020 йил 27 ноябрдаги ҳал қилув қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.



2. Туманнинг М.Улуғбек массивидаги 150-151-152-контурларидан жами 13,15 гектар ер майдони “Илёсхон хосили” фермер хўжалигига ғалласабзавотчилик йўналишида ижарада фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

3. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил 23 январдаги 815-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


4. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2020 йил 05 июндаги 685-Қ-сонли қарорининг 1-бандида кўрсатилган 150-151-152-контур сўзлари ушбу қарордан чиқариб ташланган ҳолда тумандаги М.Улуғбек массивида жойлашган “Отабек замини” фермер хўжалигининг 87-88-91-86-81-46-42-43к-63-64к-36-контурлардан жами 55.5 гектар ер майдони этиб белгилансин ҳамда тузилган ер ижара шартномасига тегишли ўзгартириш киритилсин.

5. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига “Илёсхон хосили” фермер хўжалиги билан узоқ муддатли ер ижара шартномаси расмийлаштирган ҳолда давлат руйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Туманнинг М.Улуғбек массивидаги “Илёсхон хосили” фермер хўжалиги раиси И.Мухаммадиев зиммасига “Отабек замини” фермер хўжалиги билан 150-151-152-контурларидаги жами 13,15 гектар ер майдонида мавжуд тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоб-китоб қилиш ҳамда бу ҳақидаги маълумотларни туман Қишлоқ хўжалиги бўлимига тақдим этиш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Ш.Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

 Н. Сулаймонов